

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

Ахатов Лутфулла Хушбакович

**“Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда ўз-
ўзини бошқариш органларининг ўрни” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Ш.Алламуратов

Термиз – 2014

Мундарижа:

Кириш.....

I боб. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг назарий асослари

1.1. Маҳалланинг вужудга келиши тарихи

1.2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари.....

II боб. Жамиятда ёшлар тарбияси бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни

2.1. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла) тарбия маскани

2.2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла) соғлом ижтимоий муҳит маскани

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли жамиятни демократлаштириш, адолатли, очиқ фуқаролик жамияти қуришдан иборатдир.

Демократик жамият қуриш бобида ҳамма давлат учун тайёр қолип ва андазалар йўқ. Ислом Каримов дунёда бир-бирига ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган икки давлат ҳам йўқ деганида ҳақлидир. Тўғри, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор: инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши; озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi; давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; давлат ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши ва бошқалар. Ўзбекистон демократик жамият қуришда ана шу тамойилларга, умумжаҳон цивилизациясига асосланди. Шунингдек, халқимизнинг неча минг йиллик тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилини, миллий давлатчилигимиз негизларини, буюк маданиятимиз томирларини, маънавий меросимиз илдизларини, миллий хусусиятларимиз ва бой анъаналаримизни янги жамият қурилишига татбиқ этиш йўлидан бормоқда.

Демократик жараённинг индивидуализм фалсафасига таянувчи, инқилобий ўзгаришларга мойил ғарб намунаси Ўзбекистонга унчалик тўғри келавермайди. Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотларини акс эттирувчи ҳамжиҳатлик ғояси ва жамоатчилик фикрининг устуворлигига таянувчи шарқона демократик қадриятлар Ўзбекистон учун асос қилиб олинди. Ўзбекистонда шошма-шошарликка йўл қўйилмасдан, одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб эканлиги ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистон янги жамият қуришда адолат ва ҳақиқат ғоясига асосланмоқда. Республикамизда одамлар ўз қобилияти ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиш ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратишга катта эътибор берилди. Негаки, бусиз адолатли жамият қуриб бўлмайди. Ана шундай имкониятлар яратилгандан кейингина, ҳар бир инсоннинг тақдири, турмуши, жамиятдаги ўрни унинг ўзига, салоҳиятига, меҳнат қилиш истаги, оқил-у уддабуронлигига боғлиқ бўлади.

Маҳалла – минг йиллар давомида инсоният томонидан эътироф этилган шарқона демократиянинг асосий тамойилларига ва жамоа фикрига асосланган, ўзбек халқининг анъанавий урф-одатларини, тарихий-миллий давлат бошқарув маданиятини ва халқнинг жамиятни бошқарув маданияти ва тизимини аҳолига сингдириш учун хизмат қиладиган ижтимоий тузилмадир. Мустақил мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятда маҳалла фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели бевосита демократия институти сифатида тан олинди. Унинг қонуний ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 моддасида қатъиян белгилаб қўйилди. Унда шундай дейилади “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда шунингдек, унинг таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”¹.

Мустақиллик йилларида республикамизда маҳалланинг янада ривожланишига унинг раванқ топишига гуллаб-яшнашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан маҳаллаларда шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида

тарбиялашда маҳалланинг ролини ўрганиш, тадқиқ қилиш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган йиғилишда юртбошимиз И.А.Каримов “Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб интизомни мустаҳкамлашда ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли ва аҳамияти моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз. Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб, ривож топса, бу идорани жамиятимизнинг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғлик кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-маънавий шароитларни ташкил қилиб борсак, ўйлайманки бу ўз олдимизга қўйган асосий мақсадларга эришиш йўлида катта кадам бўлади”, - деб таъкидлайди.²

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вужудга келиш тарихи илдизлари, уларнинг ҳуқуқий асослари ёшларни тарбиялашдаги роли масалалари бўйича Республикамиз олимларининг кўплаб монографиялари, рисоалари, илмий-услубий мақолалари чоп этилган. Булар: Ш. Жалилов³, Я.Олламов⁴, А.Саидов⁵, Н.Ғофуров⁶, М.Қирғизбаев⁷, А.Зулфикаров⁸ ва бошқалардир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 2003й. 29 бет.

² Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Халқ сўзи. 2002й. 7 декабр.

³ Жалилов Ш.Кучли давлатдан-кучли жамият сари. Т.»Ўзбекистон» 2001 й.

⁴ Олламов Я. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Илм сарчашмалари. 2003 й. 1 сон.

⁵ Саидов А. Маҳалла ўз-ўзини бошқариш органларини эркинлаштириш ва замонавийлаштириш. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Т.Ўзбекистон 2001й.

⁶ Ғофуров Н. Жамият- маҳалла-оила бирлиги муаммоларни ечимининг таъсирчан усули. Марказий Осиё маданияти. 2003 й. 46-13 сонлар.

⁷ Қирғизбаев М. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ёки ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва мавқеини юксалтириш ҳақида. Ўзбекистон овози. 2003 й. 24 сон.

⁸ Зулфикаров А. Маҳалла ва ёшлар тарбияси. Фидокор. 2003й. 25 феврал

Битирув малакавий ишининг мақсади. Мустақиллик йиллари Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган янгиликлар ва ўзгаришлар даври бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган улкан натижалар муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида танланган мустақил тараққиёт йўлининг порлоқ эканлигини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, изчил иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фаол ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби йўналишлар суверен давлатимизнинг адолатли ва инсонпарвар ички сиёсатида доимий устувор бўлиб келаётганлигини, улар сирасида жамиятнинг маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотига берилаётган эътибор алоҳида ўрин эгаллашини тўла исботлади.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёдаги бирорта давлат эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун қайғуриш, уларнинг замон талабларига мос билим олиши, касб-хунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва янада ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистонга тенглаша олмайди. Бу ҳақиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам чуқур эътироф этганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Айни пайтда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари барчамизга янги вазифалар юкламоқда. Шундай вазифалардан бири – ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган инсонлар қилиб тарбиялашда маҳалланинг фаоллигини оширишдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш,

биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз”. Ушбу талаб асосида мамлакатимизда насли тоза, жисмонан соғлом, билим ва тафаккури ўткир, маънавиятли, аниқ касбга ва мутахассисликка эга, ғоявий собитқадам фарзандлар, яъни баркамол авлод модели яратилди ва уни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Битирув малакавий ишининг асосий вазифалари:

- Халқимизнинг турмуш тарзи, рухий-маънавий эҳтиёжидан келиб чиққан жамоатчилик бошқаруви — маҳалла ҳокимиятининг мустақиллик йилларида тикланиши ва уларнинг адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини очиб бериш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида амалга оширилган туб ислохотларнинг мазмунини ёритиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаларини аҳдлили этиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институтларининг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий кадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш;
- Жамиятда ёшлар тарбияси бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрнини белгилашдир.

Битирув малакавий иши методлари. Такқослаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил ва тарихий материалларни илмий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти. Битирув-малакавий иши билан қизиқувчиларга, файласуфлар, давлат ҳокимияти органи вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ва раислари ҳамда миллий ғоя ва маънавият тарғиботи

билан шуғулланувчиларга тавсия этилади. Тадқиқотдан талабалар “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Конституцияни ўрганиш” каби фанларни ўрганишда қимматли материал сифатида фойдаланишлари мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши иши кириш, иккита боб, тўрт парграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ - ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Маҳалланинг вужудга келиши тарихи.

Маҳалла – Ўзбекистонда кишилар ижтимоий ҳаётининг асрлар давомида шаклланган ўзига хос кўринишидир. Бу ўзаро қўллаб-қувватлашнинг тенги йўк ижтимоий ташкилотидир. Ўзини-ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли маҳалла азалдан мавжуд бўлиб келган. Ўзбекистонда маҳалла бундан 3-3,5 минг йиллар аввал одамларнинг жамоа бўлиб, уюшиб яшашлари, шароитида шакллана бошлади. Бу ҳақда Сополи тепадаги археологик қазилмалар Жарқўтон ёдгорликлари ва тарихчи олим Наршахийнинг “Бухоро тарихи” номли асари гувоҳлик беради. Қадим-қадимдан маҳалла жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий анъаналар ва одатларни асраш, турмушдаги кўпгина долзарб масалаларни ҳал этиш маркази бўлиб келган. Маҳалла тарихий жиҳатдан ҳам замонавий маънода ҳам бир жойда яшайдиган ҳамда умумий эҳтиёжлари билан ўзаро боғлиқ одамларнинг ижтимоий, маданий ва маънавий муштараклиги асосида таркиб топган жамоадир. Айнан маҳаллада аксар ҳолларда сиёсат ва иқтисодиётнинг, давлат ҳаёти ва маданий турмушнинг долзарб масалаларига доир умумий фикр шаклланади, одамларнинг жамиятдаги ҳуққ-атвори қоидалари белгиланади.

Маҳалла миллатнинг мустаҳкам кўрғони бўлиб, унинг тинчлигини, осойишталигини таъминловчи, ёш авлодни маънан ва руҳан баркамол, жисмонан бақувват қилиб вояга етказишга беқиёс ҳисса қўшаётир. Халқимиз азал-азалдан иймон-эътиқод ва эртанги кунга ишонч билан қараб, яхшилик сари интилиб яшайди. Маҳалла эса тарихдан тарбия маскани ҳисобланиб келмоқда. Ота-онанинг азиз ва муқаддас эканлиги, кичикларнинг катталарнинг олдида хамиша одоб сақлашлари, ҳар қандай шароитда ҳам ҳурмат эътиборнинг сақланиб қолиниши оиладаги,

қолаверса маҳалладаги тарбиядан бошланади. Энг қадимий миллий кадриятларимиздан ҳисобланган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўзбек халқининг яшаш тарзини ўзида тўла-тўқис мужассам этган маҳалла жамиятдаги ўзининг муносиб ўрнига тиклаб қўйилди. Ўзбек маҳалласида халқимизга хос донишмандлик тимсоли бор. У тарихда ҳам ўз жозибаси, ҳаётийлиги, халқчиллиги, бетакрорлиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб қилиб келган. Мозийдан тортиб ҳозиргача давлатлар ўзининг кўпгина эзгу амалларини хосиятли, баракатли тадбирларини, ҳаётий муҳим масалаларни маҳаллада оқсоқоллар, фаоллар ақл-заковати, адолатли назари билан амалга ошириб, ҳал қилиб келганлар. “Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб, яшашнинг, - деб ёзади И.А.Каримов, - неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз. Бугунги кундаги маҳалла жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айна пайтда миллий ва халқчил кўринишидир”. “Маҳалла” атамасининг кўп асрлик тарихга эга эканлигига келсак, улуғ тарихчи олим Наршахийнинг IX асрда ёзган “Бухоро тарихи” асарида қайд этилишича, Бухорода бундан бир минг бир юз йил илгари ҳам бир неча маҳалла бўлган.

Бобомиз Амир Темур барпо этган марказлашган давлатда ҳам темирчилар, қуролсозлар, тикувчилар, чармдўзлар, кулоллар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар бир жойда меҳнат қилиб ҳаёт кечирганлар. Бу ҳақда “Темур Тузуклари”да ёзилишича буюк бобомиз Амир Темур ўзи барпо этган бепаён ва қудратли салтанатни бошқаришда маҳалла мутасадди шахсларига таянган. Улар билан доимий мулоқотда, доимий машваратда, маслаҳатда бўлган, кези келганда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаган. Асарда жумладан шундай дейилади: “Ҳар эл ва ҳар

мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқолларини кадрладик», уларга совғасаломлар бериб хизматларидан фойдаланиш”⁹.

Ўша вақтда ҳам маҳалла оқсоқоли сайланган ва унга эътибор, ишонч катта бўлган ҳамда зиммасига жавобгарлик, маъсулият юкланган. Бу борада “Темур Тузуклари”да ўқиймизки, ўша жамоа оқсоқолларига яъни кадхудоларга бошқарув масалаларида катта ваколатлар берилган. Жумладан, “Кадхудолар, деҳқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчилар кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Факиру мискин, бирон-бир касб қилишга ожиз-кўрсалар нафақа белгиласинлар”, - деб таъкидлаган. Навоий яшаган маҳалла мисолида кишилар ўртасида биродарлик, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдчилик каби инсоний фазилатлар нақадар юксак бўлганлигини кўрамиз. Буюк аллома Алишер Навоий маҳаллалар ҳақида илиқ сўзлар, аниқ-равшан тасаввурлар қолдирган. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида маҳаллалар хусусида қуйидаги маълумотларни ёзади. “Дўстмухаммад Морғони маҳалласидандур. Ҳам шеърга, ҳам муаммога таъби яхшидур”.

А. Навоий маҳалладошлар орасида ҳурмат, тенглик бўлганлиги, шох-угадонинг бир-бирига ғамхўрлик қадрланганлигини ёзади. Тарихдан маълумки А.Навоий ҳам шу маҳаллада яшаган. Бу ҳақда, яъни Навоий ўзи турган ҳовлининг шу маҳалладаги ўрни ҳақида шундай дейди: “Бу Морғони кўшки мана шу ўралган ҳовлининг жанубий чегараси билан ғарбий чегарасида эди”. Мухтасар қилиб айтиш керакки, улуғ зотлар ҳам ўзлари яшаган маҳаллага, одамларга меҳр билан қараганлар. Навоий Ҳиротнинг Морғони маҳалласида яшар экан, у ерни шаҳарнинг энг гўзал мавзесига айлантирган. Кўпгина улуғ асарлари ҳам шу маҳаллада дунёга келган.¹⁰

⁹ Амир Темур. “Темур Тузуклари”. Т. Ўзбекистон. 1991й. 14 бет.

¹⁰ Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Т. Ўзбекистон. 2001й. 13 бет.

Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлантирилган даврда ўлка бошқаруви зўравонликка асосланганлигини ва у доимий усул сифатида сақланиб келганлигини кўрамыз. Россия ҳукумати Туркистон халқларининг “ҳоҳиш-иродаси ва розилигига қараб қолмаслиги”ни ҳамда бу ўлкада тўла эркин бўлиш зарурлигини ҳамиша алоҳида уқтириб келган. Шу асосда Туркистон генерал губернаторлик бошқарув тизимини тузган. Шаҳар, қишлоқ бошқаруви тизимида туман бошлиғи тасарруфида участка приставаи бўлиб, унга маҳалла оқсоқоллари, элликбоши, ўнбошилар бўйсундирилган. Шундай қилиб, Туркистон генерал губернатори ўз кўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштириб жilовини маҳкам ушлаб турган. Маҳаллий бошқарув тизими рус маъмурияти кўлида бўлган. Рус маъмуриятининг аҳолига “Ўзини-ўзи бошқариш ва сайлов ҳуқуқини бериши” ғирт лўттибозликдан иборат бўлиб, аслида ишнинг тизгини унинг кўлида қолган.¹¹

Мустамлакачилар маҳаллий бошқарув идораларига масъул шахслар танланишида ниҳоят хушёр иш тутиб, башарти илғор, тараққийпарвар ва миллатпарвар кишилар волост, ҳатто маҳалла бошқарувчиси, оқсоқол, юзбоши, элликбоши ёки қози сифатида сайланиб қолса, уларни лавозимга тасдиқламаслик учун турли хийла-найранглар ишлатганлар. “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом” деб аталган ҳужжат эса уларга бу борада кенг фаолият майдонини яратиб берган. Чоризмнинг ушбу маъмурий сиёсатидан асосий мақсади, ўлканинг иқтисодий жиҳатдан қонини сўриш, маънавий-руҳий мақсади пиравард натижада, Ўрта Осиё халқларини руслаштириш бўлган. Тарихий манбалар Россия империяси ўлкамизда ўзбек давлатчилигининг барча кўринишларини таг-туғи билан йўқотиш ва русча идора услубини қатъий жорий этиш бўйича изчил иш олиб борганлигини тўла тасдиқлайди. Лекин шундай шароитда ҳам халқимиз ўз иродаси билан танилган маҳалла бошқаруви синовдан мардонавор ўтган. Самарқанд, Тошкент, Андижон,

¹¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. Т. 2000й. 204 бет.

Кўкон ва бошқа йирик шаҳарлар даҳаларга, улар эса ўз навбатида маҳаллаларга бўлиниб, маҳаллаларга оқсоқоллар бошчилик қилган.

Ҳар бир маҳаллада масжид бўлиб одамлар ҳаётидаги барча муҳим воқеалар шу ерда ҳал қилинган. Дафн маросимини масжид имоми билан сўфи ташкил қилган. Фарзанд туғилганда, никоҳ тўйларида оиланинг моддий аҳволига қараб, дастурхон қандай бўлиши, қанча одам чақирилиши белгиланган. Бир неча хонадонли кичик маҳаллалар кўрғонча деб аталар, уларда одатда эндигина ўтроқ ҳаётга ўтган оилалар жойлашган бўларди.

Маҳаллаларнинг қадимий маҳаллий бошқарув тизими эканлигини Тошкент шаҳри мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. XVIII асрда Тошкент шаҳрида тўртда Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтахур даҳалари бўлган. Ҳар бир даҳага кўпгина маҳаллалар қараган. Халқ томонидан сайланган юзбоши ва мингбошилар маҳаллалар фаолиятининг бошида туришган, яъни маҳаллий ҳокимият вакиллари сифатида иш юритишган. Шунини айтиш жоизки, вақт ўтиши билан маҳаллалар сони ўзгариб борган. Масалан, 1865 йилда Тошкентда 140 минг киши яшаган. XIX асрнинг охирига келиб савдо-сотик, ишлаб чиқариш ривожланиши туфайли маҳаллалар сони 200 тага етган. XX аср бошларида 260 та маҳалла бўлган. Ҳозирги пайтда Тошкентда 445 тадан зиёд маҳалла бор. Маҳаллалар катта-кичиклиги, аҳолининг сони билан фарқланган. Маҳаллалар асосан 100 дан то 400 гача ва ҳатто ундан ҳам кўп хонадондан иборат бўлган. Ҳар бир маҳалла ободонлаштирилган ва ўз ичига масжид, чойхона, мактаб, дўконларни, косибчилик устахоналарини олган ҳудудий маркази мавжуд бўлган. Гузарлар катта кўчаларда ёки кўчалар туташган гавжум чорраҳаларда жойлашган. Умуман олганда маҳалла аҳолиси ўзи яшаётган жойнинг табиати ва хусусиятига қараб, кўпроқ хунармандчилик, савдо-сотик ёки қишлоқ хўжалик ишлари билан машғул бўлган. Бой тарихий анъаналарга эга бўлган йирик маҳаллалар сифатида Оқтепа, Оқмачит, Баландмачит, Девонбеги, Кўкча,

Олмазор, Исфара гузари, Олтинтепа, Агаобод, Самарқанд дарвоза, Камолон, Чуқур кўприк, Ўқчи, Ўзбек ва бошқа маҳаллаларни келтириш мумкин.¹²

Собиқ адолатсиз тузумда чуқур ўйланган, оқибати ҳисобга олиниб қилинган тазйиқларнинг ҳаммаси, атайлаб бошқарувнинг ушбу халқчил, энг таъсирли, энг самарали тизимини маҳаллани зўрма-зўраки тугатишга қаратилди. Шу йўл билан маданият ўчоғи бўлмиш маҳалланинг оёғига болта урилди. Уни эскилик сарқити, диний урф-одатлар маскани сифатида баҳолаб, одамларни етти пушти у ёқда турсин, ўзлигини, тилини, динини унутган манқуртларга айлантормоқчи бўлдилар. Лекин собиқ мустабид тузум маҳаллани жамоатчилик эътиборидан четда қолдиришга қанча урунмасин, халқ ўзи яратган, ўзи қадрлаган бошқарувини ҳар қандай синовлардан асраб-авайлаб, сақлаб қолди. Мустақиллик чалажон бўлиб қолган маҳаллаларга қайта жон ато этди. Мустақиллик давлат ва жамият бошқарувида янги мазмун, янги шакл, янги талаб манзилни танлар экан, уни маҳалла бошқарувида кўрди. Ўзини ҳазрати инсонга, халқ хизматиغا, фаровонликка, юрт озодлигига ва ободлигига тиккан, халқ ҳукми – ҳақ ҳукми эканлигини чуқур ҳис этган йўл бошчимиз адолатли, демократик жамият сари бошлади. Совет тузуми даврида бошқарувнинг маҳалла тизимига эътибор берилмади. Ваҳоланки, у даврда ҳам маҳалла одамларнинг бошини қовуштириш, турмуш маданиятини шакллантиришдан иборат, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш каби вазифаларни бажарган. Мустақиллик туфайлигина ўзини-ўзи бошқариш органи фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланган маҳалла тизимини тиклашга ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда 6289 та маҳалла фуқаролар йиғини, 108 та шаҳарча, 1320 та қишлоқ, 131 та овул фуқаролар йиғини мавжуд. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маънавий-маърифий тарбиялаш, тўй-марака, маросим, анъана ва расм-русумларни

¹² Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Т. Ўзбекистон. 2001й. 16-17 бетлар.

ўтказишга бош-қош бўлиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, иш билан таъминлаш, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ёшларни спортга жалб қилиш, халқ тинчлиги фаравонлигини таъминлаш вазифаларини бажармоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятда тутган ўрни, мавқеи, роли янада ошиб бормоқда. Фуқаролик жамияти томон борган сари давлат ўзининг айрим функцияларини уларга бериб боради.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида қилган таклифига мувофиқ 2003 йил “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2003 йил 7 февралда “Обод маҳалла йили” давлат дастури қабул қилинди.¹³

Ўзбекистоннинг “Обод маҳалла йили” дастури етти йўналишдаги ҳаётий муҳим соҳаларни ўз ичига камраган. Улар қуйидагилар:

- Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- Маҳалланинг моддий базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- Маҳаллаларда тадбиркорликни хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;
- Маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар ва коммунал тармоқларини яроқли ҳолатда сақланишини таъминлаш;
- Маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;
- Кекса авлод вакиллариغا эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш;

¹³ Фидокор газетаси. 2003й. 11 феврал.

- Маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш;

Маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаолиятини оширишдир.¹⁴

“Обод маҳалла йили” давлат дастури доирасида маҳаллаларни ривожлантиришга кам таъминланган ёш оилаларни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берилди. Маҳаллаларда минглаб газ тармоқлари барпо этилди, сув қувурлари ётқизилди, уй-жойлар таъмирланиб аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланди. Йўллар таъмирланди, маҳаллалар ободонлаштирилди ва гузарлар барпо қилинди. Ҳар йили кўплаб фахрийларимиз санаторий ва шифохоналарда соғлиқларини тикладилар. Муҳтож кексалар ва ногиронлар протез-ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имтиёзли таъминланди.

Узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий-инженер патранаж хизмати билан қамраб олиш кенгайтирилди. Маҳаллаларда 16 ёшгача бўлган болаларни барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашишга имконият яратиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Юртбошимиз томонидан кўп мартаба эътибор қаратилаётган муҳим маънавий-маърифий масалалар: анъанавий удумлар, тўй ва маракалар ва бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари, имом-хатиблар, маданият ходимлари, хотин-қизлар қўмиталари аниқ тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширдилар.

“Обод маҳалла йили” давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишга давлат бюджетидан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари, корхоналар бюджетидан 169,5 млрд. дан ортиқ, кредит маблағларидан 206,4 млрд, жами 375,9 млрд. дан ортиқ маблағ сарфланди.¹⁵

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисидаги қарори. Фидокор. 2003й. 11 феврал.

¹⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла йили” давлат дастури тўғрисидаги қарорига шарҳ. Фидокор. 2003й. 11 феврал.

Азалдан уюшиб, тўп-тўп бўлиб, бир масканда йиғилиб яшаш халқимизга хос ажойиб хислат, хусусият. Йиллар давомида бу хислат сайқал топиб, миллий кадрият, ўзлигини англашнинг устувор йўналиши, авлодлар камолотини таъминловчи муҳим омил даражасига кўтарилди. Ўтмишдан мерос қолган осори-атиқалару маънавиятнинг бадий-илмий манбалари, халқимизнинг тафаккур шодалари фикримизнинг далили бўла олади. Ўзаро муроса-ю мадора қилиб, кенгашиб, маслаҳатлашиб яшаш тарзи бугунги кунда “маҳалла”, “гузар”, “фуқаролар йиғини” шаклидаги бошқарув масканларида янгича жило топмоқда. Давлатчиликнинг расмий ҳужжатлари, турли фармойиш-у қарорлар, кўрсатма-ю қонунларда ўз-ўзини бошқариш органларининг биринчиси деб қайд этилган маҳалла миллати, ирки, дини, ижтимоий келиб чиқиши, касб-кори, мавқеи ва дунёқарашидан қатъий назар, кўплаб кишиларни бир жойга жамлайди, улар билан бамаслаҳат фаолият юритади, уларнинг аҳволидан бохабар бўлиб, имкони доирасида кўмак беради. Бир сўз билан айтганда, яхши ёмон кунига шерик, қайғусига ҳамдард бўлади. Шу маънода маҳалла нафақат ижтимоий-сиёсий, балки маънавий ислоҳотларнинг яловбардори, тарғибот-у ташвиқотчи саналади. Бу жиҳат озодлик, ҳурлик таъмини татиётган мамлакатимизнинг ҳаётий ислоҳотларида, янгиланишларида кўзга ташланади.¹⁶

Ривожланган, ривожланаётган Европа ва Ғарбда бизни ҳар томонлама фарқловчи ўзлигимизни, тарих ва меросимизни ҳар вақт ёдимизга солувчи, келажак авлод-фарзандларимиз камолотини кафолатловчи маскан – маҳалла. Шунинг учун Ўзбекистон ҳаётида маҳалла: аввало ўзини-ўзи бошқариш органи; Иккинчидан, иқтисодий-сиёсий, маънавий ислоҳотларнинг тарғиботчиси; Учинчидан, турли ёшдаги, турли давлатдаги кишиларни бирлаштириб, уларнинг аҳволидан бохабар бўладиган жамоатчилик ташкилоти; Тўртинчидан, келажак авлоднинг

¹⁶ Гоффуоров Н. Жамият-маҳалла-оила биринчи муаммоларини ечишнинг таъсирчан усули. Марказий Осиё маданияти. 2003й. 43-46 сонлар.

баркамоллигини таъминловчи, ёшларимизга улуг хислатларни сингдирувчи жамият ва ёшлар муносабатидаги турли чигалликларни баргараф этувчи куч; Бешинчидан, жамиятимизнинг асос-моҳиятини белгиловчи омилларимизни муқаддас билиб, шарм, ҳаё, ибо, яхшилик, меҳр-муҳаббат, раҳм-шавқат, тавозеъ, барчанинг ҳурматини жойига қўйиш каби азалий хислатларни авлоддан-авлодга етказувчи маскан; Олтинчидан, ўзбек халқининг миллий менталитетини белгиловчи анъана, урф-одат ва маросимларни асрлар давомида сақлаб, уларга қайта ҳаёт бағишловчи хазиналар қасри.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданок, Жамиятнинг, Маҳалланинг, Оила бирлигига алоҳида эътибор қаратилган. Президентимиз И.Каримов 2003 йилни “Обод маҳалла йили” деб эълон қилди. Чунки, озод ва обод маҳалладагина оилалар тинч, фарзандлар баркамол ўсади, турли фикр-у қарашдаги кишилар ўзаро жипслашади.¹⁷

Аввало шуни айтиш керакки, “Обод” деган сўз “обод маҳалла” деган ибора замирида теран маъно бор. Обод – деганда халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ деб ўйлайман. Нега деганда ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларни бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз. Шу боис маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи

¹⁷ Гоффуоров Н. Жамият-маҳалла-оила биринчи муаммоларини ечишнинг таъсирчан усули. Марказий Осиё маданияти. 2003й. 43-46 сонлар.

бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади. Барчамиз яхши биламиз “Отанг – маҳалла, онанг маҳалла” деган ҳикматда жуда катта маъно бор. Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин, бева-бечора ёки ногирон бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими, буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало меҳр-эътибор қаратишимиз зарур. Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак ва мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун керак бўлса, давлат идоралари мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларнинг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз. Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас. Бунинг учун аввало давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш унинг низомини қайтадан кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз қаттиқ ишлашимиз керак.

Шу маънода маҳалланинг туман ва шаҳар хокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан керак бўлса, ижтимоий нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларни расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам ҳал бўлиб турибди, десак хато бўлмайди.¹⁸

¹⁸ Каримов И.А. Хаётимизнинг тараққиётимизнинг ҳуқуқий, асоси. Конституциянинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги нутқи. Хоразм ҳақиқати. 2002й. 11 декабр.

Маҳалла халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган ўз-ўзини бошқарувчи анъанавий тизимлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 12300 та маҳалла бўлиб, уларнинг ҳар бирида 3000 дан 10000 нафаргача аҳоли истиқомат қилади. 2003 йилнинг ҳукуматимиз томонидан “Обод маҳалла йили” деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг роли ғоят муҳимлигини кўрсатиб берди.¹⁹

“Обод маҳалла йили” тузилган дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни баҳолайдиган, ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу дастур аввало юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борича одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилаётганини кўрамиз. Йил давомида маҳаллаларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари ҳиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди. Бунга 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари барпо қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисининг табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километр сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилгани, бу эса одамларнинг, аввало ёшларимиз, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш сезиларли таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш жоиз. Айни пайтда маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўл қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширилган катта ишларимиз қаторига киради. Бу ишларнинг кўпчилиги ота-боболаримизнинг эзгу умиди бўлиши, хашар йўли билан бажарилгани айниқса ибратлидир.

¹⁹ Ғоипова Ш. Демократик институтлар америкаликлар нигоҳида. Обод маҳалла – мамлакат кўрки. Ўзбекистон овози. 2003й. 25 ноябр.

Шу маънода маҳалла фаолларининг ташаббуси билан Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ хашарларида қарийб 12 ярим миллион ҳамюртларимиз иштирок этганлиги, ҳеч шубҳасиз миллий кадриятларимизнинг яна бир амалдаги намоёни деб баҳолаш мумкин. Жорий йил давомида юртимиздаги 5630 та маҳалла худудида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилган ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 нафари иш ўрнига эга бўлгани айниқса диққатга сазовор. Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллиондан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.²⁰

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек 180 мингга яқин кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдорида моддий кўмак берилди. Бунга қўшимча равишда республика “Маҳалла” жамғармаси ва унинг худудий бўлимлари томонидан муҳтож оилаларга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оилаларнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Муҳтарам қарияларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича аввалги йилларда бошланган кенг кўламли ишларимиз 2003 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Бу борада 25 мингдан зиёд ёлғиз нафақахўр ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, дори-дармонлар сотиб олиш, коммунал тўловлар,

²⁰ Каримов И.А. Конституциянинг юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этилишининг ҳуқуқий пойдевори. Хоразм ҳақиқати. 2003й. 10 декабр.

саломатлигини тиклаш учун кўшимча маблағлар ажратилди. 28 мингдан ортиқ ёлғиз қария тиббий кўриқдан ўтказилиб, республика ортопедия корхонаси ва унинг худудий бўлимларида ногиронларнинг 78 фоизига протезлар тайёрлаб берилди. Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, асрлар давомида унинг бағрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлидир. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилгани турли кўргазмалар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади. Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб НАТОнинг Брюсселдаги штаб квартирасида ва Бельгиянинг бир қанча шаҳарларида “Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар” номли кўргазма намойиш этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, якунига етиб бораётган йилни маҳалла муаммоларига бағишлаганимиз бу борада бошлаган ишларимизни давом эттириш яна кўп ишларни жойидан силжитиш учун ўзига хос туртки бўлди.

Авваламбор маҳаллага кўпроқ аҳамият бериш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш жамиятимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга доир қатор масалаларнинг қонуний асосда ҳал этилишига имкон туғилди. Шу билан бирга маҳаллага доир айрим муаммолар ҳали ҳозир ўз ечимини топмаганини ҳам эътироф этиш керак. Бу масалаларни ҳал қилиш устида тинимсиз иш олиб бориш бундан буён ҳам бизнинг доимий диққат марказимизда бўлиши керак. Мисол учун шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган ўзини-ўзи бошқариш идораларига сайловлар ҳал қилувчи босқичга кирганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Бу сайловларнинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс. Нега деганда мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳалла оқсоқоли, қарийб 75 минг раис маслаҳатчиси ҳамда турли комиссияларнинг раислари ана шу сайловлар орқали сайланди. Бу масаланинг жамиятимиз ҳаёти учун муҳимлигини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи-назардан янада

мустаҳкамлаш мақсадида уларни сайлаш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш керак, деб ўйлайман ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳақида таклифлар тайёрлашни маъқул деб биламан.²¹

Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир. Бутун халқимиз тан оладиган бу тизимнинг аҳамияти, ҳосияти ҳақида унинг юртимизда олиб бораётган серқирра фаолияти, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Айни вақтда мен, ижтимоий нуқтаи-назардан, келажагимиз нуқтаи-назардан қараганда маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инобатга олиб, бундай ижтимоий идоранинг ўрни ва таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб боришининг тарафдориман. Шу сабабли биз маҳалла тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари мавқеининг ошиши, давлатни заифлаштирмаган, асосий вазифасига кўра, давлатнинг аралашувисиз ҳам ҳал қилиш мумкин бўлган баъзи ишлардан уни озод қилишга олиб келади. Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳозирдаёқ фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган, уларнинг турмушига дахлдор ҳар қандай муаммоларни ҳал эта оладиган, ишончли тизимига айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

²¹ Каримов И.А. Конституцияг юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишининг ҳуқуқий пойдевори. Хоразм ҳақиқати. 2003й. 10 декабр.

илгари давлат органлари бажариб келган кўплаб вазифаларни мустақил бажараяпти. Жумладан, улар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали камхарж оилаларга нафақалар тайинлаш, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга маблағ тайинлаш ва тўлаш, кичик корхоналар ташкил қилиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилади. Ўзини-ўзи бошқариш органлари жойларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш ҳамда наториал органларнинг кўплаб вазифаларини бажармоқда. Бундан ташқари атроф-муҳитни ҳимоялаш, ёнғинга қарши кураш чораларини, маиший хизмат, савдо тармоқлари ишларини назорат қилишда ҳам иштирок этиб шу билан давлатнинг назорат функцияси жамоатчилик тасарруфига ўтишига жамоатчилик назоратини кучайтиришига замин тайёрламоқда. Бу хайрли йўл давом эттирилиши тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиши ва унга ўзини-ўзи бошқариш органлари, аҳолини тайёрлаб бориши ютуқлар гарови бўлди.²²

Фуқаролик жамияти куришда ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳамияти катта. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар ўзини-ўзи бошқариш органларига алоҳида эътибор қаратадилар. АҚШда давлат сектори хизматчиларнинг 55 фоиздан зиёдроғи ўзини-ўзи бошқариш органларида банддир. Улар маъмурий-худудий бирлик бўйича тузилади. Мамлакат худуди 3 минг графликка бўлинган ва уларда ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, кенгаш, кўмита ёки бошқармалар ҳисобланади. Қишлоқ худудларида таунлар ва тауншинлар фаолият кўрсатадилар. Шаҳарнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, кенгаш сайлаб қўйиладиган муниципал кенгашларидир. Баъзи жараёнларни бажариш мақсадида маъмурий-худудий бўлинишга тўғри келмайдиган махсус округлар тузилади, улар ўзларининг сайланган органлари ва бюджетига эга. Франция эса 26 регионга бўлинган. Регионлар доирасида истиқболни режалаштириш, инвестиция сиёсати, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар амалга

²² Хусанов О. Давлат Қурилишининг долзарб масалалари. Хоразм ҳақиқати. 2002й. 25 сентябр.

оширилади. 95 департамент бўлиб, улар округларга, округлар кантонларга бўлинади. Энг қуйи орган шаҳар ёки қишлоқ коммунасидир. Италияда маъмурий мустақиллик ҳуқуқига эга 26 вилоят мавжуд. Вилоятлар 92 провинцияга, улар эса 8 минг шаҳар ва қишлоқ коммуналарига бўлинган. Вилоят, провинция коммуналарнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари - кенгашлардир. Англия 52 графликка эга бўлиб, улар округларга бўлинади. Округдаги энг қуйи орган жамоалардир. Россияда ўзини-ўзи бошқариш органларни қадим тарихга эга. Уларда ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий негизи яратилган. Яъни “Ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Россия Федерацияси Президенти ҳузурида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш бўйича кенгаш фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органи тизимига кирмайди, лекин давлат билан ҳамкорлик қилади. Қисқаси, ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг фаоллигини ошириш, кундалик энг зарур эҳтиёжларини қондириш, жамиятда ижтимоий ва сиёсий мувазанатни сақлаб туриш халқнинг миллий-маданий ривожланишига хизмат қилади.²³

1.2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари.

Мустақиллик шарофати ўлароқ маҳалла ўзининг реал ҳуқуқий мақомини олди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлади” дейилади.²⁴

²³ Хожибоева С. фуқаролик жамияти қуришда жаҳон тажрибаси. Ўзбекистон овози. 2000й. 20 июн.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2003й. 29 бет.

Ушбу конституциявий қонунда янада ривожлантирилди. 1993 йилнинг 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон қонунчилиги тарихида ҳам янгилик бўлди. Унда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, уларнинг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғини ва раислик ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабати асослари белгилаб берилди. Ушбу қонун юртимиз маҳаллалари тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Маҳалла ҳақида 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳам алоҳида модда киритилган. Бундан ташқари “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунларида ҳам ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳақида қоидалар мавжуд. Мамлакатимизда амалга оширилаётган босқичма-босқич кенг қамровли ислоҳотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, ушбу қонун ҳужжатлари мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилапти. Хусусан, 1998 йил 14 апрелда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди. Маҳалла нуфузини кўтариш, фуқаролик жамиятининг устувор асоси бўлган ўзини-ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш нафақат ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий масала экани боис, ушбу тизим ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш, президентимиз ва мамлакатнинг парламентининг доимий эътиборида. Олий Мажлиснинг 2003 йил август ойида бўлиб ўтган XII сессиясида “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг қарийб 10 та моддасига ўзгартириш ва камчиликлар киритилди. Айтиш мумкин, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосини мукаммаллаштиришга қаратилган ана шу янгиликларнинг барчаси 2003 йилда

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Обод маҳалла йили” дастурида кўзда тутилган. Айти чўда фуқаролар йиғини тўғрисидаги, ҳамда маъмурий комиссиялар тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқилди. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида президентимизнинг 10 фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори, 11 та намунавий низом, бир қатор дастурлар, йўриқномалар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган ҳамда амалда тадбиқ этилмоқда.²⁵

1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши органларининг фаолияти учун аниқ ҳуқуқий асос яратилди, ва у органларнинг мақоми белгиланди. Эндиликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан демократик пасанги бўлиш ва тийиб туриш тизимида маъсулиятли ўрин тутмоқда.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, бугунги кунда, биринчидан фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашдилар; Иккинчидан, ўз худудида ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш шунингдек, маданий-оилавий тадбирларни ўрганиш, қонунларини ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига кўмаклашиш мақсадида фуқароларни уюштирадидилар; Учинчидан, миллатлараро тотувлик бўлишига кўмаклашадидилар; Тўртинчидан, ўз мулки молияси бюджетига эга бўлган кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, ҳунармандчилик цехлари ташкил этадилар; Бешинчидан, оқсоқолнинг корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш тўғрисидаги, қарорларни тасдиқлайдилар; Олтинчидан, давлат

²⁵ Саидов А. Жаҳонда ягона қонун. Халқ сўзи. 2003й. 6 ноябр.

ижтимоий ёрдамида ўта ночор аҳолига тақсимлаш ва бошқа вазифаларни амалга оширадилар.

Бинобарин, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан юқорида қайд қилинган вазифаларни амалга оширишида бу соҳадаги ҳуқуқий манбалар катта роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришининг муҳим манбаи ҳисобланади. Бу қонунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда фойдаланадиган асосий тушунчалар ва терминларнинг мазмунини очиқ берувчи нормалар мавжуд. Мазкур қонун нормалари Ўзбекистон Республикасида Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларнинг ваколатларини аниқ белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни нормалари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолияти асослари белгиланган, ўзини-ўзи бошқаришда фуқароларнинг хоҳиш-иродасини бевосита амалга оширишнинг шакллари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, бу органларнинг ва улар мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масалалари мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг бошқа қатор қонунларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш масалаларига алоқадор бўлган нормалар мустаҳкамланган. Бу қонунлар жамланмасига, масалан “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”ги қонун, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун, “Мулкчилик тўғрисида”ги қонун, “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунлар киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши ҳуқуқий нормалари бўлган фармонлари бу ҳуқуқнинг манбаси бўлади. Бу манбаларга, масалан, Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 5 мартдаги “Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини

яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириши тўғрисида”ги, 1998 йил 23 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 1999 йил 13 январдаги “Аҳолини аниқ йўналтирадиган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги фармонлари ва бошқалар киради.²⁶

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мақоми, сайлаш-сайланиш шартлари, тартиб ваколатлари белгиланган. Шаҳар, қишлоқ ва овулларда, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Хўш, ваколатлари қонун билан мустақамланган фуқаролар йиғинининг раислари ва унинг фаоллари қандай тартибда сайланади? Агар шу йил ноябр, декабр ойларида республикалардаги маҳаллаларда сайлов ўтказилишини эътиборга олсак, ушбу масала янада долзарб эканлигини англаш мумкин. 2003 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда фуқаролар йиғинлари раисларига туман ва шаҳарлар хокимликларига “ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасидаги юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан мазкур органларга давлат хокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни, шу

²⁶ Олламов Я. Қаландаров К. Ўзбекистон Республикасида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи манбаларининг таснифи. Илм сарчашмалари. 2002й. 4 сон. 37 бет.

жумладан, мазкур органларга вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш” топширилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳозир янги шароитда ишлай оладиган одамларни танлаш тадбирлари маҳаллаларда қизгин давом этмоқда. “XXI аср маҳалласи” концепциясида таъкидланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) этиб сайланувчи шахс, қоида тариқасида олий маълумотли бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, раҳбар лавозимида иш тажрибасига, етарли даражада билимларга, ватанпарварлик туйғуларига, аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга бўлмоғи, ташаббускор ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар шароитида ишлашга қодир бўлмоғи зарур. Кўриниб турибдики, маҳалла раислигига сайланадиган шахс бир томонлама муносиб, шу билан бирга олий маълумотли бўлиши зарур. Маҳалла йиғини раислигига номзодларни маҳалла ишчи гурухлари танлайди. Маҳаллада тузилган ишчи гуруҳи 5-7 кишидан иборат бўлиб, маҳалланинг кўча ва даха бошлиқлари таркибидан белгиланади. Улар бажарган ишлари юзасидан маҳалла бошқаруви юзасидан маҳалла бошқарувига эмас, балки туман комиссияси (ишчи гуруҳи)га ҳисоб беради. Белгиланган тартибга кўра, маҳалла комиссияси маҳалла фуқаролар ёрдамида икки ва ундан ортиқ номзодни аниқлаб, улар билан суҳбат ўтказди ва аҳолининг ўша номзодлар тўғрисидаги фикрларини олади. Сўнгра қарор қабул қилиб, ҳар бир номзод учун махсус сўровнома, таржимаи ҳол тўлдирилади, кейин уларни номзод сурати билан туман комиссиясига топширади.²⁷

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларининг сайланишлари ва маҳаллий аҳолининг вакиллари сифатидагина расмий ўринларига биноан вакиллик тизимининг таркибий қисмларидан биридир. Уларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятлари аҳоли учун улкан аҳамиятга эгадир. Муниципал органларда

²⁷ Гуламов М. Мўминов С. Ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар: улар қандай ўтказилади. Ўзбекистон овози. 2003й. 4 ноябр.

давлат аппаратининг бошқа бўғинларига нисбатан бюрократизмга бориши керак бўлади. Ана шу барча фазилатлар сайланувчи маҳаллий бошқарувни демократия кадриятларидан бирига айлантиради. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш Алексис де Токвильнинг талқинича, шундай бир сиёсий институтки, у нафақат сиёсатчилар учун, балки умуман барча фуқаролар учун бир мактабдир. Бу институтга хос бўлган имкониятлар шу қадар юксакки, у фуқароларнинг кенг иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беради. Ўзини-ўзи бошқариш органлари сиёсий маданият элементларини шакллантиришнинг ҳам беқиёс омилидир. Охир-оқибатда бу органлар фаолияти сиёсий тизимнинг бир бутун барқарорлиги ва мослашувчанлигини таъминлаб беради. 1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган “Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартияси”нинг 3 моддасида бу тушунча қуйидагича ифодаланади. “Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигида маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариш ва уни реал уддалай олиш қобилиятига айтилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, тенг, тўғридан-тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар томонидан амалга оширилади. Кенгашлар ёки мажлислар ўзларига хисоботлар бериб боровчи ёки ижроия органларига эга бўлишлари мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан-тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шакллариغا мурожаат этишни истисно этмайди”.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат бошқарувидаги ўрнини юксалтириш ҳозирги даврда мамлакатимиз ҳукумати ва парламенти томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод маҳалла йили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича “Республика комиссиясини тузиш тўғрисида”ги

фармойишида (2002 йил 16 декабр) устувор йўналиш ва вазифа сифатида кўрсатилган бандлардан бири қуйидагича ифодаланади:

“Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини аниқлаш; мазкур институтнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва тизимида ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиб берадиган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”. Албатта, бу фуқаролик жамиятига хос вазифани бажаришда маҳаллаларнинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирокининг фаоллашуви муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир.²⁸

1994 йил 14 апрелда Ўзбекистонда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни 29 моддадан иборат бўлиб, қонунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси, уларнинг ҳуқуқлари фаолиятининг асосий тамойиллари ҳудудлари, органлари мансабдор шахсларни сайлаш ваколатлари, комиссиялари мулк молиявий томонлари ошқора акс эттирилган.²⁹

2-модда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

3-модда. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини-ўзи бошқаришга доир канституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширадилар.

²⁸ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ёки ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва уларнинг мавқеини юксалтириш ҳақида. Ўзбекистон овози. 2003й. 24 июн.

²⁹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21 сон. Т. “Адолат”. 1999й. 114-117 бетлар.

Фуқаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш таъқиқланади.

4-модда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик борасида ўзаро ёрдам.

5-модда. Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалган оширилади.

6-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашишларига йўл қўймайдилар, фуқароларга ўзини-ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар.³⁰

8-модда. Фуқаролар йиғини органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаган ҳолда, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

9-модда. Фуқаролар йиғини - фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғинида ўн

³⁰ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21 сон. Т. “Адолат”. 1999й. 113 бет.

саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашади.

10-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул, фуқаролар йиғини ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини: фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботини эшитади;

Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини сайлайди, улар тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

Белгиланган тартибда раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор тартибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғини маъсул котибини тайинлайди;

Кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолият дастурини ва ҳаражатлар системасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этади;

Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади;

Тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

Йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритадилар, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қиладилар;

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, ўз мулкига эгалик қиладди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

Ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қиладди;

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қиладди;

Ўз худудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

Пул маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

Гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;

Маъмурий-худудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзлаштириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзлаштириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

Ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборади;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ушбу моддада назарда тутилган ваколатлардан ташқари кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишини таъминлайди. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, марказлаштирилган тартибда ажратиладиган маблағдан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади.³¹

20-модда. Фуқаролар йиғинининг раис (оқсоқол) ва раис маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайланадилар. Фуқаролар йиғинининг раиси тегишли туман шаҳар хокими билан келишилган ҳолда маслаҳатчилар эса йиғин раисининг тақдимномаси билан сайланадилар. Фуқаролар йиғинининг раиси ва раис маслаҳатчилари, агар

³¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. “Адолат”. 1999й. 121 бет.

уларни йиғинда ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса сайланган ҳисобланадилар.³²

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлайди.

³² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. “Адолат”. 1999й. 124 бет.

II боб. ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ (МАҲАЛЛА)НИНГ ЎРНИ

2.1. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла) тарбия маскани

Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаш, етиштириш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Маҳаллалар ўз келиб чиқиши жиҳатидан давлатдан ҳам олдин қарор топган, деган илмий фаразлар ҳам бор, бироқ улар ҳали илмий изланиш ва ўрганишга муҳтож. Маҳалла аҳолини аҳил-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиршга чақирадиган ноёб тузилма, аҳолига энг яқин, қулай ва маъқул бўлган сеvimли маскан, тарбия ўчоғидир. Президентимиз томонидан 2003 йилнинг “Обод маҳалла йили” деб эълон қилиниши маҳалланинг боқийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган шу билан бирга келажак наслларнинг қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигига яна бир яққол мисол бўлди. Республикамизда ҳозирда жами 9627 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, уларнинг 114 таси шаҳарчаларда, 1339 таси қишлоқларда, 131 таси овулларда, 2219 таси шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан 6865 таси юридик мақомини олган, уларнинг 6289 нафари ойлик маош билан таъминланган.³³

Мазкур маҳаллалар улар кўмиталарининг бозор иқтисодиёти шароитида, унинг қонунлари асосида ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар, оилавий низоларни бартараф этиш, олди-сотди, тўй-маърака маросимларини ўтказиш, хашарлар уюштириш, беморлар холидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ободонлаштириш, жиноятчиликка

қарши кураш ва унинг олдини олиш, хотин-қизлар, ёшлар, вояга етмаганлар билан ишлаш, улар тарбияси ва шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланадилар. Кўпчилик маҳаллаларнинг чиройли, мухташам, замонавий бинолари, спорт-соғломлаштириш профилакторийлари, кутубхона, чойхона, маданий марказлари, наввойхона, сут-қатик дўкони, тўйхона, масжидлари турли маърака учун керакли жиҳоз ва ашёлари бор. Хуллас, маҳаллада аҳоли тинчлиги, ҳавфсизлиги, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш учун барча шароитлар мавжуд. Биз мавзудан келиб чиқиб, маҳалланинг ёшлар тарбиясига оид вазифаларига тўхталамиз. Ёшлар тарбиясининг ҳуқуқий асослари умуман қонунларда, хусусан, Конституция, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида, Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида, сиёсий партиялар, таълим тўғрисида, кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги ва бошқа қонунлар, президентимизнинг қатор фармон ва фармойишларида ўз аксини топган. Жамиятда ёшлар тарбияси бўйича маҳалланинг ўрни ва роли бекиёсдир.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциянинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида шу ҳақда тўхталиб бундай деган эдилар: “Маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Нега деганда ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз”. Қисқаси, маҳаллага эътибор қатта. Бироқ, улар ўз олдларига қўйилган вазифаларни қай даражада адо этмоқдалар? Табиийки кўпчилик маҳаллаларда бу саволга ижобий жавоб топиш мумкин. Бундай маҳаллалар республикамизда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб топилади. Улар қаторига Самарқанд

³³ Халқ сўзи. 2002й. 26 январ.

шаҳридаги Дарғон, Нурафшон, Қўшработ туманидаги Оқтепа, Каттакўрғондаги Катта Арабхона, Пахтачи туманидаги Мисит, Иштихон туманидаги Охунбобоев номли, Пойариқ туманидаги Гўзал, Оқдарё туманидаги Қоратери, Жомбай туманидаги Дехқонобод, Ургут туманидаги Ғўс, Самарқанд туманидаги Боғибаланд, Тойлоқ туманидаги Боғизоғон, Булунғур туманидаги Килдон маҳаллаларини киритиш мумкин. Халқимизда отанг маҳалла, онанг маҳалла деган нақл бор, бу бежиз айтилмаган. Унда маҳалланинг оилани, хусусан ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва роли яққол кўриниб турибди.

Бироқ айрим маҳаллалар фаолиятида бу борада жиддий камчиликлар ҳам учраб турибдики, улар гўё гуручдаги тош сингари баъзан тиш ҳам синдирмоқда. Президентимиз айрим жойларда ҳали ҳам кўп ҳаражат сарфлаб дабадали тўйлар ўтказилаётганлигини кўп бора танқид қилганлиги барчамизга аён. Гап шундаки, бундай тўйларда маҳалла фаоллари ҳам иштирок этишади. Лекин улар ўзларига юклатилган қонуний “Тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради” деган ҳуқуқидан етарлича фойдаланмаётирлар.

Маҳаллаларнинг ана шу қонуний ҳуқуқларини юртбошимиз яқинда яна бир бора эслатиб ўтдилар: “Бу масалани авваламбор маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари турар жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириши лозим”. Маҳаллаларнинг ёшларни мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, улар онгида миллий мафқурани шакллантириш, жамиятимизга ёт иллатлар таъсирига берилиб кетишларининг олдини олиш, уларга қарши курашдаги роли ва аҳамияти, айниқса, каттадир. Негаки, мафқура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Ғоявий барқарорлик ҳукмрон бўлган жойда мафқуравий таҳдид кучаяди. Аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар пайдо бўлади. Бунга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Маҳалланинг ёшлар тарбиясига оид фаолиятини амалга оширишда, айниқса, маҳалла-оила-мактаб ҳамкорлиги жуда муҳимдир. Ҳозир республикамизда 62 та олий ва 200 дан зиёд ўрта

махсус таълим муассасаларида 519175 нафар йигит-қизлар таълим олишмоқдалар. Бундан ташқари 9 мингдан зиёд умумтаълим ўрта мактаблари, 6742 та мактабгача таълим муассасаларида 6850 минг нафардан зиёд болалар таълим-тарбия олишмоқда, қанчадан-қанча ёшлар ўқишни битириб ишсиз юришмоқда. Маҳалланинг бу борадаги вазифалари “Маҳалла, мактаб, оила” концепциясида санаб ўтилган.³⁴

Тарбия соҳасидан, ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Ёшлар тарбиясига масъул ташкилотлар “Камолот” ЁИҲ ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари, фидокорлар миллий демократик партияси, “Умид” жамғармаси, Ёшлар муаммолари институти, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ва шунга ўхшашларнинг маҳалла, мактаб, оила билан амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш умумий ишимсиз-ёшлар тарбияси фойдасига ҳал бўлиши барчамизга маълум.

Таниқли педагоглардан бири шундай деган эди: “Сиз фақат бола билан гаплашганда, унга бирон нарса ўргатаётганда тарбиялайман деб ўйламанг. Сиз уни ҳар қадамнингизда, ҳатто уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялаб борасиз. Сиз биров билан ёки биров тўғрисида нималарни гаплашасиз, нимага хурсанд бўлиб, нималарни қайғурасиз, дўст ёки рақибингиз билан қандай муомала қиласиз, қандай таҳлитда куласиз, қай ҳолатда газета ўқийсиз – шуларнинг хаммаси бола учун жуда муҳим. Сўз оҳангингиз озгина ўзгариб қолганини ҳам бола сезади, фикр йўналишидаги барча бўлинишларни киши билмас тарзда у фаҳмлаб олади, сиз буни пайқамасиз. Башарти сиз уйда кўпол ёки мактанчоқ бўлиб, ёки ичкиликбозлик қилиб, унинг устига онани ҳақорат қилсангиз, тарбия тўғрисида ўйламай қўя қолинг. Чунки сиз уни амалда тарбиялайсиз ёки ёмон тарбияляпсиз. Ҳеч қандай яхши насиҳатларингиз ва тарбия усулингиз энди сизга ёрдам бермайди”. Шу сабабли маҳалланинг ёшлар борасидаги вазифаларни, Президентимиз таъбири билан айтганда “оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу рухий

³⁴ Зулфикооров А. Маҳалла ва ёшлар тарбияси. Фидокор. 2003й. 25 феврал.

дунёга кўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ”. Шубҳа йўқки, маҳалланинг ёшлар тарбиясига оид вазифалари қанча улкан ва мураккаб бўлмасин бу уларни 2003 йил “Обод маҳалла йили” ва ундан сўнг ҳам халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибасига таянган ҳолда кўпни кўрган оқсоқолларимиз, ота-оналар, мураббийлар, педагоглар, ёшлар ташкилотлари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг қатъияти, астойдил ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракати билан ҳал қилишга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.³⁵

Миллий истиқлол ғояси, ўз мазмун моҳиятига кўра, бағрикенг халқимизнинг асосий мақсад-муддоаларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажagini ўзаро боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга ошириш йўлида хизмат қиладиган ғоялар тизимидир. Бу ғоя, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, ўлмас меросдан озикланади.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Юртбошимиз таъкидлайдиларки, ўзининг ёруғ келажagini кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат, жамият албатта ўз миллий ғоясига, миллий мафкурасига суяниши ва таяниши жоиз. Давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ-равшан ифодаланган, тарихдан қарор топган миллий мафкура асосига қурилмоғи лозим. Давлатимиз раҳбарининг миллий мафкурамизни ривожлантириш ва халқимиз онгига сингдириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган асосий кўрсатмаларига таянган ҳолда ўзимиз танлаган халқимиз иродасига

³⁵ Ўша манба.

монанд мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимиз, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт қуриш йўлида дадил, фидокорона ҳаракат қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Бунда биз учун рухий-амалий, маънавий, куч-қувват манбаи, илмий асосланган миллий ғоя, миллий мафкурадир.³⁶

Миллий истиқлол мафкураси ҳар биримизнинг ўйларимиз, ҳаётга, жамиятга муносабатимиз, ҳатти-ҳаракатларимиз, феъл-атворимиз, юриш-туришимиздир. Миллий истиқлол мафкураси бизнинг бугунги ҳаётни қандай тасаввур этаётганимиз, қандай йўлдан бораётганимиз билан чамбарчас боғлиқ. Президент масаланинг худди ана шу нозик жиҳатига алоҳида эътибор беради ва ҳар бир фуқаронинг маънавий-руҳий, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини назарда тутиб, инсон юрагининг туб-тубидан чиқадиган ҳис-туйғуларни жамулжам қиладиган битта ўзанга соладиган, битта йўналишга буриб юборадиган ҳукмрон мафкура кераклигини уқтиради. Албатта ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қурилаётган, бу борада қатор ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, бизда мафкуравий ҳукмдорлик бўлмаслиги керак. Бу Ўзбекистон Конституциясида кўрсатиб қўйилган. Лекин, агар биз мустақилликнинг моҳиятини англаган, уни олий кадрият даражасига кўтарадиган бўлсак, бу неъматни асрай оладиган мустақиллик мафкурасига барибир эҳтиёж сезамиз. Виждон, иймон нуқтаи-назарида, шу миллатнинг битта вакили, шу ватаннинг битта фарзанди, шу жамиятнинг битта аъзоси сифатида мустақилликни, мустақил тараққиёт йўлини ҳимоя қиладиган мафкура кераклигини ҳар биримиз биламиз. Коммунистик мафкура даврида тазйик билан ҳаммамиз таги пуч мафқурининг қулига айланиб қолган эдик. Бугун иймон-этиқодимиз, виждонимиз билан боғлиқ бўлган ғояга, уни асрайдиган мафкурага таяниб яшашимиз лозим. Бундай мафкура маҳаллаларда, одамларнинг турар жойларида шаклланади. Маҳалла бўлиб яшаш маҳаллийчилик эмас. Маҳаллачилик

³⁶ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т. “Ўзбекистон”. 1998й. 13 бет.

қарийб икки минг йиллик тарихга эга бўлган жуда катта маданият, ва жуда катта маърифат ўчоғи. Маҳалла бўлиб яшаш инсонни инсонлиги учун қадрлашнинг маънавий кўринишидир. Умумий инсоният тарихида, шарқ хусусан Ўзбекистонда маҳалла ота-онадан улуғ турадиган жуда катта ҳаёт мактабидир. Бугун биз илмий жамоаларда яратадиган мафкурамиз айна ана шу минг йиллар давомида шаклланган дунёқарашларимизнинг илмий-назарий ифодаси, тартибга солинган шакли бўлиши керак. Аслида оддийгина инсон сифатида интилишлари: фарзандларимизнинг камолини, неварамнинг бахтини кўриш, неварам учун терак экиб қўй, деган энг оддий ҳаётинг орзунинг ўзи миллий мафкурамизнинг илдизи асосидир. Бир ҳақиқат бор: дунё тафаккури олами шарқдан баҳра олди, шарқда дунёга келди. Машҳур европалик алломалардан бири “Нур шарқдандур”, деган эди. Бу сўзнинг маъноси кўп. Албатта қуёш шарқдан чиқади. Қуёш дунёга ҳаёт бағишлайди. Инсон тарихида тафаккур, маърифат шарқдан тарқалганига ҳам ишора қилинмаяптими? Ва бундан минг йил бурун улуғ бобокалонимиз Абу Наср Форобий “Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти ҳатти-ҳаракатда билинади” дегани бежиз эмас.

Президент миллий истиқлол мафкураси масаласини ўртага ташлар экан, комилликка, гўзалликка, покликка чақирапти ва бутун жамиятни 26 миллионлик оиламизнинг ҳар бир аъзосини ана шундай катта мақсад ва ғоя билан яшашга даъват қиляпти. Шундай кенг миқёсдаги тарбиявий, ахамиятга молик бўлган маҳаллада шаклландиган мафкурагина яшовчи бўла олади. Чунки, мафкуранинг илмий асослари, назарий қўлланмалари ижодий лабораторияларда, тадқиқот муассасаларида яратилиши мумкин. Биз ҳаёт нуқтаи-назаридан, неча минг йиллик тарихимиз жараёнида шаклланган дунёқарашлар нуқтаи-назаридан ўз ҳаётимизни, орзу-умидларимизни тартибга солмасак, миллий мафкура ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади. Жамиятнинг энг биринчи бошланғич бўғини, инсон кундалик эҳтиёжларига дахлдор бўлган остонангдан чиқиб, дилингни очадиган маҳалла бўлганидан кейин, демак бизнинг бутун тақдиримиз, ҳаётимиз ана шу жойдагина ҳал

этилади ва маҳалла деган муқаддас бир гўшанинг тақдири билан боғлиқ бўлади. Маҳаллий жамоаларнинг умумдавлат аҳамиятига эга эканлигини эсдан чиқариб бўлмайди. Айнан маҳаллий жамоалар инсонни табиий равишда давлат билан боғлаб турувчи, жамоатчилик манфаатлари ва иродасини ўзида мужассам этувчи тузилмалар тармоғидир. Бу сиёсий ҳатти-ҳаракатлар амалда қўллаб-қувватланадиган ёки рад этиладиган ижтимоий макондир. Бу макон фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришдан ташқари ҳаёт дарсхонаси сифатидаги вазифани ҳам бажаради. У катта-ю кичик ўз идрокига яраша тарбия оладиган мактабдир. Тарбия жараёни иштирокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1994 йилда ишлаб чиқилган “Оила, маҳалла, мактаб” ҳамкорлиги концепциясида ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялаш учун кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида муҳим дастурул амал бўлди³⁷.

“Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақлга амал қилиб, келажак авлодни тарбиялаш ва унга тарбия бериш жараёнини амалга ошириш борасида маҳалланинг олдида қуйидаги вазифалар туради:

- тарбия муассасалари билан биргаликда таълим тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган ишларни муҳокама қилишда қатнашиш ва оқилона ечимларни топишда фаоллик кўрсатиш;
- ўз худудидаги ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш, фарзандларининг билим ва тарбия олишларига бош-қош бўлиш;
- ахлоқан носоғлом оилаларни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини кўриш;
- маҳалла худудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишини қўллаб-қувватлаш;

³⁷ Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Т. “Ўзбекистон” 2001. 86 бет.

- ота-оналар орқали болаларга ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб, онглилик, байналминаллик каби ҳислатларни сингдиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- ёшлар диний мазҳаблар ва секталар ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиши, ақидапарастликнинг зарарли оқибатларини англаб етишига, ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, уларга аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;

- маҳалла йиғинларида миллий давлатчилик ва миллий мафкура ғояларини, республикамызда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқларни тарғиб қилиш борасида турли тадбирлар ташкил қилиш;

- “Маънавият ва маърифат”, “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Умид”, “Улуғбек”, “Нуроний” жамғармалари, хотин-қизлар кўмитаси, турли жамиятлар бирлашмалар ва ижодий уюшмаларни ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш ишига, бу соҳадаги муаммолар ечимини топишга фаол жалб қилиш;

- маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий негизини мустаҳкамлашга жалб қилиш;

- маҳалла ҳудудидаги ўқув тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш;

- иқтидорли ўқувчи болаларни мактаблар тавсиясига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- илғор педагог ходимлар, тарбиячиларга маҳалла имкониятларига қараб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

- фарзандларга таълим-тарбия беришда ижобий натижаларга эришаётган, намунали оилалар тажрибасини оммалаштириш, маҳалла худудида “Оила сабоқлари” машғулотларини ташкил этиш;

- маҳаллада истиқомат қилаётган халқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар ва барча ижод аҳлининг имкониятларидан фойдаланиб турли тўғарак ва “уста-шогирд” муносабатлари асосида билим бериш ва касб ўргатиш фаолиятини ташкил этиш;

- маҳалла худудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий қийналган ёшлар учун иш жойлари квотасининг ажратилишига эришиш;

- ҳар бир ёш фуқарода Ўзбекистонга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиш, маҳалла ободонлиги, аҳиллиги учун жавобгарлик руҳини шакллантириш.

Ёшлар онгида ва уларнинг дунёқарашида жиддий маънавий етукликка эришиш учун маҳаллаларда ғоявий-тарбиявий ишларни мутассил кучайтириб бориш зарур.³⁸

Байрамларда ва турли учрашувларда маҳалла фаоллари ўқувчилар билан ахлоқ, одоб, ватанга муҳаббат, инсоний бурч ва маданият ҳақида сермазмун суҳбатлар ўтказадлар. Бундай учрашувлар кишиларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, тарбияси оғир ўқувчилар аввалгига қараганда жуда камайди. Болаларнинг тартиббузарлик оқибатида милиция органлари рўйхатига тушишига барҳам беришди. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла фаоллари, ота-оналар кўмитаси аъзолари билан ҳамкорликда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Интизоми бўш, дарсларни ўзлаштирмайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари маҳалла кенгашига чақириб, мунтазам суҳбатлар олиб борилди. Маҳалла ёшларнинг армия сафига кузатишга чақирилиб маҳалла кенгаши ҳарбий-чақирув комиссияси билан бевосита ҳамкорлик

³⁸ Ўша манба. 90-91 бетлар.

қилмоқда. Иш билан таъминланмаган ёшлар иложи борича фойдали меҳнатга жалб қилинади. Пайғамбар ёшига 70, 80, 90 ёшга етган фахрийларни табриклаш, ёрдамга муҳтожларга қарашиш, касаллардан хабар олиб туриш, маҳалла ҳайрия жамғармаси ҳисобидан байрамларда моддий ёрдам уюштириш каби ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларига ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияга эътиборни кучайтириш, қонунга сўзсиз ички интизом билан риоя этиш, демократик тамойилларни давлатга, фуқаролик бурчига ҳурмат кўникмасини мустаҳкамлаш аксарият маҳаллаларнинг фаолият марказига қўйилган. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинларига, ижтимоий фан вакиллари, сиёсатшунослар, файласуфлар, тарихчилар яқиндан ёрдам беришлари, кенг халқ оммаси орасига кириб боришлари ҳаёт тақазосидир. Маънавият, маданий-маърифий тадбирларнинг шакл ва турлари ранг-барангдир. 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши маҳаллаларимиз фаолиятини янада бойитмоқда. Янги асрнинг биринчи йили “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан маҳаллаларда хотин-қизлар комиссиялари, ёшлар билан ишлаш комиссиялари иштирокида оила тўғрисидаги қонунларнинг аҳамияти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, оилаларнинг тотувлиги, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни муаммоларига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар кўпайди. “Маҳалла оиладан бошланади”, “Оила ва никоҳ”, “Ёшларни оила қуришга тайёрлаш”, “Қайнона ҳам она”, “Аёл, оила ва жамият”, “Ибратли келинчак”, “Оилада бола тарбияси”, “Соғлом она, соғлом фарзанд” каби мавзуларда илмий тадқиқотларни ўтказишда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ташкилотчилик намуналарини кўрсатмоқдалар. “Энг яхши маҳалла”, “Энг ибратли оқсоқол”, “Маҳалла жонқуяри”, “Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли” шиори остида ҳар йили мутассил кўрик танлов ўтказилиб келинади. Кўрик танлов ғолиблари махсус нишонлар, қимматли эсталик совғалари билан тақдирланадилар. Ушбу тадбирлар

махаллаларни ободонлаштириш ва озода сақлаш, айниқса ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.³⁹

Ёшлар тарбияси маҳаллаларнинг жонажон ишидир. Ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда маҳаллалар фаол иштирок этмоқдалар. Аҳоли турар жойларида ёшлар муаммоларига катта эътибор қаратилган. Уларни қизиқтирган мавзуларда кечалар, учрашувлар, суҳбатлар, спорт мусобақалари ва бошқа маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар тадбирлар доимий равишда уюштириб борилади.

Конституция мавзуларида суҳбатларга, учрашувларга қизиқиш катта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январдаги фармойишининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, Конституцияни ўрганишга оид барча мавжуд ўқув-услубий, илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида, маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда ҳуқуқий маърифат-таркибот маркази билан ҳамкорликда, маҳаллалардаги ҳуқуқшунос мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда маҳалла фуқаролари орасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, ўнинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси Республика бошқаруви раёсати қарори билан махсус режа тайёрланди. Фуқароларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг оиладаги, жамоат ичидаги ҳулқ-атвори, мамлакатимизда юз бераётган улкан ижобий ўзгаришларга муносабати, бу ўзгаришлардаги шахсий иштироки, хуллас жамиятдаги ўрни маҳаллалар эътиборидан четда қолдириб бўлмайдиган масалалардир.

Айниқаса, маҳалланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги маъсулияти янада катта. Ҳозир ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган ўнга яқин тузилма орасида ёшлар билан ишлайдиган тузилма энг фаолларидандир. Аввало шу

³⁹ Ўша манба. 93-94 бетлар.

тузилмаларда миллатимизга хос бўлган хислатлар намоён бўлмоғи яъни, “Бир болага етти маҳалла ота-она” қабилидаги нақлларнинг ҳаётий кўринишлари юзага чиқмоғи керак. Бугунги кунда ёшларимиз орасида динни ниқоб қилиб олган турли гуруҳларга қўшилган, ўз юрти, халқига қарши жинойтчилар алдовларига ишониб қолган ёшлар бор экан бу шубҳасиз бизнинг ўша тарихий тарбия усулларимиздан бўлган маҳалланинг таъсир кучи камайиб кетганлигининг “маҳсули”дир. Биз ўша салбий жиҳатдан яъни ўз уйим тинч, ўз болам соғ, бировнинг уйи, боласи билан нима ишим бор деганга ўхшаш кўникмадан имкон қадар тезроқ қутилишимиз лозим, ўзимизга хос ва мос бўлган, тарихий демократиямиз – маҳалланинг, маҳалла одамларининг, ҳар бир йигит-қиз учун ўта таъсирли маъсулият кучини қайта тиклашимиз ва уни янги давр демократияси омиллари асосида бойитиб боришимиз зарур.⁴⁰

Ёшлар онгига умуминсоний ва миллий кадриятларни сингдириш, уларни халқ педагогикаси асосида тарбиялаш бу ишда маҳалла, мактаб ҳамда оиланинг иштироки самарали бўлишига эришиш даркор. Бунда мактабларда берилаётган таълимнинг кадриятларимиздан анча ажралиб қолганлигига, болаларнинг оила бағридан узоклашиб бораётганини, уларга виждон, эътиқод каби энг муҳим сифатлар етарлича сингдирилмаётганлигига, ўғил-қизларнинг миллий урф-одатларимиз, маданиятимиз, удумларимизни яхши билмаслигига эътиборни кучайтиришимиз зарур. Маҳаллаларда маънавий ва жисмоний бақувват, Ватанимиз билан фахрланиш туйғусига бой бўлган кишиларни тарбиялаш учун мактаб, оила ва кенг жамоатчилик, маҳалла аҳли ҳамкорлигини таъминлаш муҳимдир. Боланинг феъл-атвори, қизиқиши энг муҳими ички дунёсини билмай, ўрганмай туриб, тарбиядан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Боланинг қандай инсон бўлиши ота-оналарга ва оилага, маҳалла аҳлига боғлиқлиги аёндыр. Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш учун барча маҳаллалар қошида “Оила, мактаб ва жамоатчилик кенгашлари”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай кенгашларнинг асосий

⁴⁰ Абдукаримов М. Маҳалла – тарбия маскани. Ўзбекистон овози. 2001й. 24 май.

фаолият йўналишлари болалар ва ёшлар ҳаётдаги ўринларини тўғри белгилаб олишлари учун уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда уларда камтарлик, олижаноблик, кишиларга ғамхўрлик, меҳр-мурувватли бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини ривожлантиришда халқ таълими ходимларига яқиндан ёрдам бериш; болалар халқ хўжалигининг барча соҳаларидан муносиб ўрин эгаллашга, тарбиянинг янги шакллари, услубларини амалга оширишда педагог ходимлари, ўқувчилар, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш; тарбияси оғир болага, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга сарф қилиш, хунар ўрганишини ташкил этиш, ҳар бир тарбияси оғир болага жамоатчилик фаолларини бириктириш вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини тинглаш; мактаб, маҳалла аҳли ҳамкорлигида тадбирлар, байрамлар, хашарлар, Хотира куни, Наврўз ҳосил байрами ва бошқаларни ўтказиш; маҳаллалардаги хунармандлар оилаларда устоз-шогирд муносабатларини йўлга қўйиш; ҳуқуқий тарбияни шакллантириш маҳаллада яшовчи ҳуқуқий органлари ходимлари томонидан тарбияси қийин болаларни оталиққа олиш, уларга ёрдам бериш, ибратли оилаларнинг бола тарбиясида қўлга киритган нутқларини ўрганиш, оммалаштириш, рағбатлантиришдан иборат. Бундан ташқари “Маҳалла” дастурида соғлом турмуш тарзи, ҳомийлик қилиш ва оталиққа олиш, қонунбузарликка мойиллиги бор ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган болаларни ҳисобга олиш, машғулотларга кеч келувчи, дарс қолдирувчи, ота-онаси томонидан қаровсиз ва назоратсиз болалар билан махсус ишлаш масаласига эътибор қаратилмоқда.

Моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож бўлган ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни ишга ва ўқишга жойлаштириш ишлари ўқитувчи, тарбиячилар ота-оналар, кенг жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари ҳамкорлигида кенг кўламда олиб борилмоқда.⁴¹

⁴¹ Ўша манбага қаранг.

Маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишлардаги ижобий натижалар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам етарли. Хусусан бизни тартибга солаётган нарса бу ёшларимиз билан маҳалла фуқаролар йиғини, унинг катта-кичик мутасаддилари узвий алоқа боғлай олмаётганлигидир. Маҳаллада муҳокама қилинаётган ҳар бир масала асосан катта ёшдагилар иштирокида бўлади. Ҳатто ёшларнинг ўзига оид масалалар ҳам ана шундай иштирокчилар билан муҳокама этилади. Аммо ҳаётимиз воқеалари тафсилоти шуни кўрсатадики, ёшларимизнинг ўзи ҳали зичроқ ва мақсадга мувофиқ тарзда бирикишмаган. Тан олиш керакки, собиқ шўроларнинг ёшлар билан ишлаш усулидан воз кечганимиздан сўнг уларни тарбия “маҳсули” бўлган боқимлик таъсиридан батамом ҳалос эта олганимизча йўқ. Иқтисодий муаммолар ортидан эргашган ёшларимизга маданият ҳақида маъруза қилмаймиз. Бозор иқтисодиётининг эса ўз қоидалари, муносабат услублари шалланганки, улар ватан, халқ, мустақиллик, келажакка интилиш, маърифий камолот каби муқаддас туйғулардан узоклашиб қўйиши мумкин. Биз тарғибот-ташвиқот ишлари билан маҳалла аҳлининг дунёқарашига таъсиримизни ўткази оласак, яъни уларга ватанпарварлик туйғусини миллий истиқлол мафқурасини сингдири оласак, давлатимиз пойдевори шунча мустаҳкам бўлади. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бағрикенг ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода маҳаллани ўзини-ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса демократия дарсхонаси деб аташ жуда маъқулдир”.

2.2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла) - соғлом ижтимоий муҳит маскани

Маҳалла – аввало соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг ҳулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун имкониятлар мавжуд. Миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс.

Ёшлар, умуман барча фуқароларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва мазкур йўналишда тегишли амалий шароитлар яратиш бугунги кунда энг долзарб масала бўлганини инобатга олиб, мамлакатимиздаги ҳар бир маҳаллада спортнинг энг оммавий турларини ўз ичига олган спорт мажмуаларини барпо этиш ҳамда бу эзгу мақсад йўлида давлат ва нодавлат ташкилотларини айниқса ёшларнинг ўзини сафарбар этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун республика оқсоқоллар кенгашининг ташаббуси билан “Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи” ҳаракатини ташкил этиш, жамоатчилик фикрини уйғотиш лозим. Ушбу ғояни амалга ошириш учун барча шароитлар етарли. Зеро ҳар бир ёки икки маҳалла ҳудудида бир мактаб ва унинг спорт майдонлари бор. Бундан ташқари ҳар бир маҳалла ҳудудида тахминан 2500 кв. м. (футбол майдони учун 1800 кв.м, баскетбол, вoleyбол, теннис учун 200 кв.м, стол тенниси, шахмат-шашка учун 100 кв.м) майдонни топса бўлади. Фақат бунга астойдил бел боғлаб киришиш лозим.⁴²

Тошкент шаҳрида бошлаб берилган “Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи” ҳаракати, биринчидан, ёшлар орасида мавжуд бўлган кўплаб муаммоларни бартараф этишга, иккинчидан фуқароларимиз, айниқса ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга, учинчидан, маҳалланинг обод бўлишига, соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда Тошкентда маҳаллаларда қўшимча 100 дан зиёд футбол майдонлари ҳашар усулида барпо этилди. Маҳаллаларда бу ҳаракат давом этмоқда.

И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги маърузасида юртимиз спортини янада кучайтириш, ўзбек футболли, хусусан “Пахтакор” жамоасининг аввалги шон-

⁴² Жамилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Т. “Ўзбекистон” 2001й. 107 бет.

шуҳратини тиклаш тўғрисида куйиниб тўхталиб ўтганларидан сўнг Тошкентда ўсмирлар ўртасида бошланган “Биз – Пахтакор келажагимиз” футбол мусобақалари республикамизнинг барча вилоятларида кенг қўллаб-қувватланди. Ўзбекистонда натижада “Маҳалла” жамғармаси кубоги учун республика футбол федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси “Ўзтелерадио компанияси”нинг “Ёшлар” канали мададида 3 ойлик ёзги таътилда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят, шаҳар туманларидаги маҳаллаларда 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол командалари тузилиб, биринчи, иккинчи ва учинчи босқич мусобақалари қизгин давом этди. Ўлкамизда 210 та шаҳар ва туманида жами 6673 та футбол жамоаси тузилиб “Футболимиз келажагимиз” республика миқёсида кубок баҳсларида 100 мингдан ортиқ ўсмир кўч синади. Айниқса, Бухоро, Фарғона, Қарши ва Тошкент шаҳарларида вилоятларнинг энг кучли жамоалари учинчи босқич мусобақалари ўзининг қизиқарли, муросасиз, курашларга бой эканлиги билан алоҳида ажралиб турди. Ушбу тўртта гуруҳда барча рақиблари устида ғалаба қозонган Бухоро шаҳри Файзулла Хўжаев тумани Жубор маҳалласининг “Ёш куч”, Фарғона шаҳридаги Оқариқ маҳалласининг “Нафосат”, Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги Оқ мачит маҳалласининг “Оқ мачит” командалари ярим финалга йўлланма олди. Маҳалланинг ободонлиги, озодалиги – маҳалла аҳлининг дид-фаросати, юксак маданияти кўзгусидир. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ҳар йили “Ободонлаштириш” ва “Кўкаламзорлаштириш” ойлиги ўтказилади. Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармасининг республика бошқаруви “Озод ватанга, обод маҳалла” шиори остида кўрик-танлов ўтказди. Голибларга Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармасининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари тақдим этилди. Мазкур кўрик-танловда Фарғонада 972 маҳалла 159 минг туп мевали дарахт, 229 минг туп тут кўчати экилди. Андижонда 2 млн. дан ортиқ, мевали ва манзарали

дарахт кўчатлари экилди. Вилоятларда “Энг намунали кўча”, “Энг намунали хонадон”, “Энг обод маҳалла” кўрик-танловлари ўтказилиб турибди.⁴³

Яхши ният билан бошланган бу ишлар барча вилоятларда ҳар йили олиб борилади. Қашқадарё вилоятида “Тозалик ва кўкаламзорлаштириш”, “хашар” кунларини ўтказишда ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва барча маҳалла аҳли кенг фаоллик кўрсатади. Маҳаллалардаги оилалар, кўчалар, кўп қаватли уйлар ўртасида озодалик, санитария, тозалаш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан “Маҳалла” жамғармасининг соврини учун кўрик-танлов ўтказилди. Кўрик танлов Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳрида “Маҳалла куни” тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарорларида эълон қилинган низом асосида “Намунали маҳалла” наминацияси остида ўтказилди.⁴⁴

Маҳалла йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, турли маърака-маросимларга бош-қош бўлишдир. Тўй-хашамлар, оилавий тантаналарни, мархумлар хотирасига бағишланган маросимларни меъёрида, ихчам, исрофгарчиликларсиз, ўтказишга қаратилган Президент фармони бу борада алоҳида эътиборга лойиқдир. Фармонда кўпчилик ғамини еб, ҳаётимизда учраб турадиган шухратпарастлик, дабдабазлик, эл-юрт одамлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофида яшаётган одамларнинг хол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскилик сарқитларига чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Баъзан бу хунук одатларни, фармонда жуда ўринли таъкидлаганидек “... давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорлар” қилмоқда. Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш борасида “Маҳалла” жамғармасининг масъуллиги ва жавобгарлиги қанчалик катта эканлигини тўла ҳис қилган ҳолда, тегишли қарор қабул қилинди. Унинг ижросини

⁴³ Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Т. “Ўзбекистон”. 2001й. 109-110 бетлар.

⁴⁴ Абдукаримов М. Маъалла тарбия маскани. Ўзбекистон овози. 2001й. 24 май.

таъминлаш мақсадида жамғарма бошқаруви ҳузурида тўй ва бошқа маросимларни ташкил қилиш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш юзасидан иш олиб борувчи республика ишчи гуруҳи тузилди. Бундай ишчи гуруҳлари жамғарманинг қуйи бўлим ва бўлинмалари ҳузурида ҳам ташкил этилди. Маҳалла, овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳузурида ҳам тўй, маросим ва бошқа тадбирларни ўтказиш ишлари билан бевосита шуғулланувчи маслаҳат кенгашлари ташкил қилинди. Ҳозир улар узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Фармоннинг руҳи шуни кўрсатадики, янгича анъаналарни ҳаётга буйруқ, кўрсатма бериш йўли билан жорий этиб бўлмайди. Янгича анъаналар ижтимоий вазият, ҳаёт тақозоси билан юзага келади. Ушбу фармон бу борада изланишга тўй, маросим ва маъракаларни ўтказишда эшик қоқиб турган, бугунги кун мазмунига мос келадиган янгича анъаналарни турмушга жорий этишга даъват этади. Бундай анъаналар халқимиз кундалик ҳаётидан ўрин олиб бормоқда эди.

Жумладан “Маҳалла” жамғармаси бошқаруви томонидан “Тўй либослари”, “Саришта ва покиза хонадон” каби республика кўрик танловлари эълон қилинди. “Тўй либослари” кийимларининг кўрик танловида пойтахтдаги 11 тумандан 12 модел иштирок этди.

Маҳалланинг маънавиятдаги, тарбиядаги, мафкура ва маданий тараққиётдаги ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, Президентимиз Ислам Каримовнинг “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аجدодлар ўғити билан бирга сингади”, деган сўзлари эсга келади. Маҳалла ота-онанг дейишар экан, демак маънавият чиндан ҳам маҳалладан, оиладан, ота-она тарбиясидан бошланади. Маҳалла маънавият, маърифат, миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишда таъсирини оширишдаги асосий бурчларимиздандир. Истиқлол мафкураси Ватан, халқ манфаатига садоқат, илм-фан тараққиётига, маданий, ҳуқуқий юксалишига камарбасталик, шахс истеъдоди, фаоллиги, бошқа миллат вакилларига ҳурмат, ҳаётда учрайдиган зиддиятларни, қарама-қаршиликларни тинчлик билан ҳал этиш,

ақидапарастликни, зўравонлик, тазйиқни инкор этиб, ижобий ташаббусларга кенг йўл бериш даркор.

Адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларига, ахлоқий ва ҳуқуқий тартибга эътиборни кучайтириш, қонунга сўзсиз, ички интизом билан риоя этиш, демократик тамойиллар, давлатга, фуқаролик бурчига ҳурмат кўникмасини мустаҳкамлаш зарур. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши “Маҳалла” жамғармаси ўз фаолиятини ана шу муҳим вазифаларни бажаришга қаратмоқда. Йўлбошимиз ташаббуслари билан маҳаллалар янгилана бошланди. Кўплаб пастак, лойдевор маҳаллалар ўрнида замонавий, обод гузарли маҳаллалар қад кўтарди. Яқинда маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси билан бирга яна икки аёл уйимизга ташриф буюрди. Улар шифокорлар экан. Бизнинг саломатлигимизни текширгач, менинг камқонлик касалига чалинганлигимни айтишди. Шифокорлар менга бепул дори-дармонлар беришди. Уларни истеъмол қилгач, ўзимни анча яхши ҳис қила бошладим. Бу ҳақда кўчамиздаги аёлларга тўлиб-тошиб гапирдим. Улар ҳам бундай эътибордан мамнун эканликларини, маҳалла кўмитаси кўмаги билан кўплаб муаммолар осон ечим топаётганини айтишди.⁴⁵

Халқимизнинг “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақл бор. Дарҳақиқат, бола тарбияси учун маҳалладек куч катта аҳамият касб этади. “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси томонидан маҳаллаларнинг ёшлар таълим-тарбияси, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, кичик корхоналарни очиш фаолиятига оид етарли маълумотлар жамланмаган, таҳлил этилмаган. Ҳукуматнинг махсус қарори билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузурида маҳаллалар ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог тарбиячилар лавозимларининг жорий этилиши ёшлар тарбияси учун маҳаллалар маъсулиятини янада оширди.

⁴⁵ Камалова Х. ғамхўрликни ҳис этдик. Урганч оқшоми. 2004й. 24 июл.

Бугун жойларда ёш оилаларнинг янада мустаҳкам бўлиши, қайнона-келин ўртасидаги ҳурмат, ишқ муносабати чуқур илдиз отиши, хонадон тоза, тўқис бўлиши фарзандлар тарбиясига оид изчил тадбирлар ўз самарасини бераётир.

Маҳаллалардаги тўйларни файзли, кам чиқим, кўнгилдагидек ўтказишга аёлларимиз бош-қош бўлишмоқда. Айниқса турмуш қураётган йигит-қизга тўй олдидан шифокор кўригидан ўтиш келгусида ҳаётлари янада мустаҳкам бўлишларида муҳим эканлиги тушунтирилмоқда. Маҳаллалар хамширалари ҳар куни истиқомат жойида хонадонларда бўлмоқда.

Маҳаллаларда ҳар бир хонадон ва унинг атрофи янада файзли, обод, кўкаламзор, гулзор бўлиш учун уюшқоқлик билан ҳаракат давом этмоқда.

Шунингдек, маҳаллаларда “Намунали ва соғлом оила”, “Ибратли келин”, “Файзли ва кўркам хонадон” каби қатор кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Хулоса

Ўзбекистонда бошқарувнинг маҳалла тизими тарихий илдизлари чуқур. Минг йиллар мабайнида маҳаллалар халқимизнинг аҳиллигини, тинчлигини, осойишталигини таъминлаб, уларнинг турмуш ва фаравонлигини оширишга ҳаётий муаммоларини ҳал қилишга, ёшларимизни ватанга муҳаббат, миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга, урф-одатларимизни, расм-русумларимизни, тарихий анъаналаримизни сақлашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари маҳаллаларнинг жамиятимиз ҳаётидаги мавқеини, ролини яна оширмоқда. Ўзбекистонни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг мамлакатимиз президенти томонидан олға сурилган стратегик дастури амалга оширилгани сайин фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли тўхтовсиз ошиб боради. Дастур ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очик демократик давлатни барпо этиш, ҳуқуқий фуқаролар жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим шарт-шароитлари сифатида жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштиришга қонуннинг устуворлигини, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ана шу дастурига мувофиқ мамлакатимизда давлатнинг бир қатор вазифаларини нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришга киришилди. Маҳаллаларда ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Турар жойларда ўтказилаётган ҳар бир тадбир ёшлар маънавиятини

юксалтиришга, уларни комил инсон қилиб тарбиялашга қаратилмоқда. Бунда маҳалла фаолларининг, қарияларимизнинг, зиёлиларнинг роли катта бўлмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида маҳаллалар томонидан турли хил оилавий тадбирлар ўтказилаяпти. Булар кўп жойларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеини ва ролини янада ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратишимиз лозим деб ҳисоблаймиз. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари обрўли, маҳалла аҳолиси ҳурмат қиладиган, қонун-қоидани яхши биладиган, ўзининг ҳуқуқини тушунадиган, ишлашга иштиёқманд одамлардан бўлиши керак.

Маҳалла қўмитасининг биноти маҳалланинг марказида бўлиши, бу ер доимо одамлар билан гавжум, муаммоларни одамлар билан муҳокама қиладиган, одамлар ишонч билан мурожаат қиладиган, маънавий-маърифий тадбирларнинг маркази бўлиши керак.

Маҳалла аҳолисини қонун-қоидага риоя қилишга ўргатиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳоли билан мунтазам мулоқот қилиб туриш лозим. Тўй ва маъракаларни камчиқим, исрофгарчиликсиз ўтказиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. // Т. “Ўзбекистон” 2011 й.
2. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. // Халқ сўзи. 2002й. 7 декабр.
3. Каримов И.А. Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори. // Халқ сўзи. 2003й. 7 декабр.
4. Каримов И.А. Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин. // Халқ сўзи. 2001й. 8 декабр.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. // Т. “Ўзбекистон” 1998й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон янги қонунлари. // 21 сон. Т. “Адолат” 1999й.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисидаги қарори. // Фидокор. 2003й. 11 феврал.
8. Демократия мактаби кучли давлатдан - кучли жамият сари. // Халқ сўзи. 2003й. 6 ноябр.
9. Олламов Я. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида ошкоралик принципи. // Илм сарчашмалари. 2004й. 4 сон.
10. Олламов Я. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш – халқ хоқимиятчилигининг шакли сифатида. // Илм сарчашмалари. 2004й. 2 сон.
11. Олламов Я. Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. // Илм сарчашмалари. 2003й. 1 сон.
12. Олламов Я. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида. // Илм сарчашмалари. 2003й. 3 сон.

13. Саидов А. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Т. “Ўзбекистон” 1. 2001й.
14. Гаффоров Н. Жамият маҳалла – оила бирлиги муаммоларини ечишнинг таъсирчан усули. // Марказий Осиё маданияти. 2003 й. 43-46 сонлар.
15. Ғуломов М. Мўминов С. Ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар: улар қандай ўтказилади? // Ўзбекистон овози. 2003 й. 4 ноябр.
16. Қирғизбоев . Фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ёки ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва мавқеини юксалтириш ҳақида. // Ўзбекистон овози. 2003й. 24 июн.
17. Зулфиқоров А. Маҳалла ва ёшлар тарбияси. // Фидокор. 2003 й. 25 феврал.
18. Орифхонова З. Маҳалла тизимида қариндош оилаларнинг ўзаро муносабатлари. // Ўзбекистон тарихи. 2003 й. 3 сон.
19. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Т. “Ўзбекистон”. 2001 й.
20. Хожибоева С. Фуқаролик жамияти қуришда жаҳон тажрибаси. // Ўзбекистон овози. 2000 й. 20 июн.
21. Хусанов О. Давлат қурилишининг долзарб масалалари. // Хоразм ҳақиқати. 2002 й. 25 сентябр.